

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**СУҒУРТА ФАКУЛЬТЕТИ**

**“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ**

**ВАЛИЕВ АБДУЛЛА БАХРОМ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

5230800 – “Суғурта иши” бакалавр таълим йўналиши

**“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”  
Факультет декани**

\_\_\_\_\_ и.ф.н., доц Г. Сафаров

“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 й

**“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”  
“Суғурта иши” кафедра мудир**

\_\_\_\_\_ и.ф.н., И.Абдурахмонов

“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 й

**Битирувчи: 5230800 – “Суғурта иши”  
таълим йўналиши 4 – курс талабаси  
Валиев Абдулла Бахром ўғли**

**Илмий раҳбар:**

\_\_\_\_\_ и.ф.н., доц Шеннаев.Х.М

**ТОШКЕНТ – 2018**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>6</b>
1.1. Суғурта бозори инфратузилмасининг моҳияти ва аҳамияти.....	6
1.2. Ўзбекистонда суғурта бозори инфратузилмасининг таркибий тузилиши .....	10
1-боб бўйича хулосалар .....	20
<b>2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ..</b>	<b>21</b>
2.1. Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси таркибининг замонавий ҳолати .....	21
2.2. Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси ривожланишининг асосий тенденциялари ва таҳлили .....	26
2-боб бўйича хулосалар.....	40
<b>3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ .....</b>	<b>41</b>
3.1. Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантиришни хорижий тажрибаси .....	41
3.2. Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари .....	51
3-боб бўйича хулосалар .....	57
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР .....</b>	<b>58</b>
<b>ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>63</b>

## КИРИШ

**Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги.** Ҳозирги замонда инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида суғурта хизматлари, суғурта бозорининг ривожланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Суғурта бозори инфратузилмасининг ҳолати мамлакатда иқтисодиёт қандай ривожланганлигидан далолат беради. Чунки суғурта бозори иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган рискларни маълум даражада бартараф этиши орқали унинг ривожланишига салмоқли хисса кўшадиган соҳадир.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Харакатлар стратегияси”га мувофиқ аҳолини турмуш даражасини кўтариш, қулай шароитларни яратиш мақсадида мамлакат миллий иқтисодиётида кенг ислохотлар ўтказилмоқда.<sup>1</sup>

Суғурта бозори молия бозорининг ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида, ҳамкорлик муносабатларини яратишда, аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли ҳамкор сифатида суғурта бозори профессионал иштирокчиларига ишончини қозонишда кўмакдош бўлиши лозимдир.

Суғуртанинг ривожланиши, ўз ўрнида қонунчилик базаси такомиллашганлигига, давлатимиз солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлигига, давлат суғурта назоратининг сифати ва суғурта бозори профессионал иштирокчилари иш фаолияти ишончилигига боғлиқдир.

Охирги ўн йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиш суръатлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси Тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони

кузатилмоқда. Бундай шароитда, давлат суғурта бозорининг ривожланиш йўналишларини, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини мукаммалаштириб бориши лозим бўлади. Чунки, суғурта бозори – давлат молия инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта механизми орқали моддий манфаатлари ҳимоясини таъминловчи ва инвестицион ресурсларни ўзида жамлайдиган тузилмадир.

Мамлакатимизда суғурта бозори ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифат кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз бераяпти. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 октябрда «Кафолат Суғурта компанияси» Акционерлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ёрқин мисол қилиб келтириш мумкин.<sup>2</sup>

Юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг қатламини суғурта маҳсулотлари билан таъминлашда суғурта бозор инфратузилмаси муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда суғурта ташкилотларининг ҳам уларнинг маҳсулотлари истеъмолчилари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳам ривожланган суғурта бозори инфратузилмаси хизматига эҳтиёжи кескин ортаётганлиги мамлакатимиз суғурта тизимини, хусусан, суғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантиришга замин яратади.

**Тадқиқот предмети.** Суғурта бозори инфратузилмасидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари эса предмети бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти.** Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси ушбу битирув малакавий ишининг объекти бўлиб ҳисобланади.

---

<sup>2</sup>[www.kun.uz](http://www.kun.uz)

## **Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.**

Мамлакатимизнинг барча қатламлари ҳаётида учрайдиган турли хил ижтимоий-иқтисодий рискларга сифатли хизмат кўрсата оладиган ва юқори сифимга эга бўлган суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш бўйича амалий таклифлар бериш битирув малакавий ишининг мақсади ҳисобланади ва ундан қуйидаги асосий вазифалар келиб чиқади:

- Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасининг Республика молия тизимидаги тутган муҳим ўрнини асослаб бериш;

- суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

- Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси таркибининг замонавий ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш;

- суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантиришни хориж тажрибасини ўрганиш;

- суғурта бозори инфратузилмаси ривожланишидаги муаммоларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг назарий-амалий аҳамияти.** Ушбу битирув малакавий ишидаги таклиф ва хулосаларни суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, хусусан суғурта компаниялар ўзларининг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда инобатга олишлари мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Ушбу битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда 9 та жадвал ва 18 та расмдан иборат.

# 1-БОБ. СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Суғурта бозори инфратузилмасининг моҳияти ва аҳамияти

Суғурта бозори – маълум бир пул муносабатлари соҳаси бўлиб, унда савдо сотиқ объекти сифатида суғурта химояси қатнашади ҳамда унга талаб ва таклиф шаклланадиган махсус ижтимоий-иқтисодий тармоқ ҳисобланади. Суғурта бозори, кенг маънода, суғурта хизматларининг олди-сотдиси, юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисини акс эттиради. Суғурта бозорининг объектив асосини кутилмаган табиий ҳамда бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлаш ташкил этади. Қолаверса, суғурта бозори иқтисодиётни қўшимча молиялаштиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Суғурта бозори фаолият юритишининг асосий шарти бўлиб суғурта хизматларига жамият эҳтиёжининг мавжудлиги ва ушбу эҳтиёжни қондира оладиган суғурталовчининг мавжуд бўлиши тушунилади. Фаолият қўрсатаётган суғурта бозори турли тармоқ бўлимларини бириктирган мураккаб, интеграциялашган тизимни ўзида акс эттиради.<sup>3</sup>

Инфратузилма тушунчаси латинча “infra” – ост, таг ва “structura” – тузилиш, структура, сўзларидан ташкил топган бўлиб, тизимнинг функционал асосларини таъминловчи, ўзаро боғлиқ бўлган тузилмалар ёки объектлар комплекси дир.<sup>4</sup>

Инфратузилма ривожланганлиги ана шу соҳа фаолиятинининг самарадорлигини белгилаб беради.

---

<sup>3</sup> Х.М.Шеннаев, “Ўзбекистон суғурта бозори”, Тошкент, “Иқтисод-молия” 2013-йил.

<sup>4</sup> <http://www.glossary.ru>

Ўзининг хусусиятлари ва вазифаларига кўра инфратузилманинг турли хил кўринишлари мавжуд. Уларга мисол қилиб ижтимоий инфратузилма, транспорт инфратузилмаси, иқтисодий инфратузилмаси, ахборот-коммуникацион инфратузилма, харбий инфратузилма, бозор инфратузилмаси, IT-инфратузилмаси, туризм инфратузилмаси ва бошқалар мисол бўла олади. Шу қаторда суғурта соҳасида суғурта бозори инфратузилмаси мавжуд.

Суғурта бозори инфратузилмаси бу – фаолияти суғурта соҳаси ва суғурта хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган барча субъектларнинг ўзаро муносабатлари мажмуи тушунилади.

Суғурта бозори инфратузилмаси - ривожланган суғурта бозорини шакллантиришда энг асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Суғурта бозори инфратузилмаси - сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши ҳамда суғуртанинг функцияларини муддатида, самарали ва унумли бажарилишини таъминловчи, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасидаги муомала ва муносабатлар тизими деб ҳам талқин қилиниши мумкин.

Суғурта бозори инфратузилмаси тушунчасининг моҳиятини ёритишда, унинг мазмунида “инфратузилма” деганда “хўжалик фаолиятининг маълумсоҳасини унумли ишлаб туриши учун ёрдам берадиган фаолият турлари тузилиши” деган тушунчани қўллаш мумкин.

Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасини асосан суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳамда суғурта соҳасига боғлиқ бўлган, суғуртанинг унумли фаолияти учун ёрдам берадиган ёки суғурта фаолияти борасида ҳамкорлик қиладиган бошқа субъектлар ташкил қилади. Хар бир суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари суғурта хизматларининг маълум бир қисмини қамраб олади.

Ҳар қандай инфратузилма бир тартибда ва йўналишда, самарали фаолият олиб бориши учун, унинг мустаҳкам ҳуқуқий ва иқтисодий асоси

мавжуд бўлиши керак. Хусусан Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари мамлакат иқтисодиёти ривожланиши билан бир қаторда такомиллаштириб борилди.

Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси шаклланиши 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонуннинг “Суғурта вакиллари ва суғурта брокерлари” деб номланган 7-моддаси билан илк бор суғурта бозори инфратузилмасини ташкил этувчи айрим субъектларининг ҳуқуқий асоси вужудга келди.

Миллий суғурта бозори инфратузилмаси суғурта агенти ва суғурта брокери каби субъектларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши билан шаклланишни бошлаган.

Суғурта бозорининг кенгайиши ва мамлакат иқтисодий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, «Суғурта тўғрисида»ги Қонунни янгилаш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Олий Мажлиснинг 2002-йилнинг 4-5-апрел кунлари бўлиб II-чақириқ саккизинчи сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги янгидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва қабул қилинди.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун суғурта бозори инфратузилмасининг энг юқори поғонада турувчи муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб, у инфратузилманинг жаҳон стандартлари талабларига мос равишда шаклланишини, профессионал иштирокчиларнинг ваколатлари чегарасини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди. Ушбу Қонунда, олдинги «Суғурта тўғрисида»ги Қонундан фарқли ўлароқ эътиборга молик томонларидан бири, унинг 4-моддасида суғурталовчиларнинг суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. Қайд этиш жоизки, суғурта фаолияти ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши. Мамлакатда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари кечаётган ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилаётган бир пайтда, тадбиркорлик тизимининг



муҳим бўғинларидан бўлган – суғурталовчилар учун бундай чекловнинг қонун йўли билан белгиланишига сабаби, ўтган йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, кўпгина суғурта ташкилотлари «суғурталовчи» ниқоби остида турли тижорат операцияларини, хусусан, савдо-воситачилик ишларини амалга оширдилар. Юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш ҳисобига келиб тушган суғурта муқофотлари, қоидага кўра, суғурта қопламаларини тўлашга мўлжалланган захира жамғармаларини ташкил этишга сарфланмасдан, балки суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга сарфланган ҳолатлар ҳам бўлган. Суғуртанинг энг асосий тамойилларидан бири - суғурталовчиларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажаришни таъминлайдиган суғурта захираларига эга бўлишидир. Афсуски, у даврдаги суғурталовчилар, захираларни шакллантирмаганликлари оқибатида мураккаб молиявий ҳолатни бошидан кечиришган.

«Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонуннинг диққатга сазовор жойларидан яна бири, унинг 10-моддасида суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг аниқ кўрсатиб қўйилганлигидир. Маълумки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган. Аммо узоқ вақт, аниқроғи, 1998-йилнинг биринчи ярмигача суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколати берилган махсус ваколатли давлат органининг ташкил этилмаганлиги ва илгари Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган ташкилотларнинг фаолияти ҳеч ким томонидан назорат қилинмаганлиги оқибатида янги ташкил этилган суғурта ташкилотларини давлат рўйхатига олишда муаммолар пайдо бўлган.

Суғурта бозорида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради. Бундай муносабатлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа

ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек, мулкӣ хамда шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади. Суғурта муносабатлари, аввало, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга оид бўлганлиги туфайли 1996-йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби суғуртага бағишланган. Ҳозирги кунга қадар амалиётда суғурта ташкилотлари ўз фаолиятларини амалга оширишларида мазкур кодекснинг талабларига қатъий риоя этадилар. Фуқаролик кодексининг суғуртага оид бобида жами 47 та модда мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири суғурта муносабатларининг у ёки бу жиҳатларини тартибга солади. Кодексида ихтиёрий ва мажбурий суғурта, мулкӣ суғурта шартномаси, суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар, мол-мулкни суғурта қилиш, шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш, мажбурий суғурта ва уни амалга ошириш тартиби каби ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган.

## **1.2. Ўзбекистонда суғурта бозори инфратузилмасининг таркибий тузилиши**

Суғурта бозори инфратузилмасинининг таркибий тузилишини ва суғурта бозорини ривожлантиришдаги аҳамиятини ёритиш учун суғурта бозори инфратузилмаси иштирокчилари суғурта бозорида қандай вазифаларни, қачон ва қандай бажаришларини бирма-бир ўрганишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига кўра тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни – 6-модда.

Суғурталовчилар фаолияти миждоз (суғурталанувчи) лар базаси билан шаклланиши бўйича, суғурталанувчилар эса ишлаб-чиқариш фаолиятида ўзларини шахсий қизиқишларини қондиришлари билан характерланади. Суғурталовчилар ўзларининг суғурталанувчилари кўпайиши ҳамда фойда олишдан манфаатдордирлар. Чунки, бошқа иктисодий фаолият турлари каби суғурта соҳаси ҳам тижорат фаолиятига тегишли бўлиб, асосий мақсади фойда ва даромад олишдир. Суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Суғурталовчилар суғурта бозори инфратузилмасининг энг асосий субъекти ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга асосан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари тузиш, ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш, суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш, суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш, суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш, суғурта товони (суғурта пули) тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш, чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари

кўрсатиш, ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш каби ҳуқуқларга эга.

Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони (суғурта пули) тўлаши, суғурта захираларини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши, махсус ваколатли давлат органи белгиланган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурталовчининг суғурта фаолияти учун оладиган лицензияси турлича бўлади. Лицензияда суғурталовчи фаолият олиб бориши мумкин бўлган класслар ва мажбурий суғурта фаолиятига рухсат кўрсатилади. Ўзбекистонда ҳам ривожланган суғурта бозорлари каби ҳаёт суғуртаси фаолияти билан шуғулланадиган суғурталовчилар умумий суғурта фаолияти билан шуғуллана олмайдилар ва аксинча.

Суғурта бозорининг икки асосий иштирокчиси (сотиб олувчи-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи – сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ўртасидаги алоқаларни амалга ошириш учун воситачилар зарур. Суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги воситачиликни суғурта воситачилари - суғурта агенти ва суғурта ҳамда қайта суғурта брокерлари амалга оширадилар.

Суғурталовчининг номидан ва унинг топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.<sup>6</sup>

Суғурта агенти суғурталовчи томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларини сотиш билан шуғулланиб, имкон қадар кўпроқ суғурта хизматлари сотилишдан манфаатдор бўлади. Чунки суғурта агенти сотган суғурта хизматлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан маълум фоиз миқдорида суғурталовчидан комиссия ҳақ олади. Агентлик келишувида суғурта агенти томонидан бошқа хизмат ва вазифалар бажарилиши ҳам белгиланиши мумкин. Суғурта агенти аниқ бир суғурталовчининг суғурта маҳсулотларини сотиб, мазкур суғурталовчининг вакили ҳисобланади. Суғурта агенти бирданига бир нечта суғурталовчининг вакили ҳам бўлиши мумкин. Суғурта агенти суғурта маҳсулотларини сотиши вақтида суғурталанувчига ўзига суғурталовчи томонидан суғурта шартномасини тузиш учун берилган ваколатларни, суғурталовчининг расмий вакили эканлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этиши зарур.

Суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги воситачиликни амалга оширувчи яна бир суғурта бозори инфратузилмаси субъекти бу суғурта брокери (қайта суғурта брокери)дир.

Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади.<sup>7</sup>

Суғурта агенти суғурталовчининг вакили ҳисобланса, суғурта брокери суғурталанувчининг ва қайта суғурталанувчининг вакили ҳисобланади. Белгиланган тартибда юридик шахс ёки тадбиркор (қонунчилик талабига мувофиқ) сифатида рўйхатдан ўтган, ўзининг номидан суғурталанувчининг ва қайта суғурталанувчининг топшириғига асосан суғурта бўйича

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни – 9-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни – 7-модда.

воситачилик фаолиятини юритувчи шахс суғурта брокеридир<sup>8</sup>. Суғурта брокери суғурталовчи олдида суғурта мукофоти тўланиши бўйича жавобгарлик олиб боради. Шунингдек, суғурталанувчига суғурта товонини олишга ёрдам кўрсатади. Суғурта брокери суғурталанувчи билан тузилган шартномага мувофиқ суғурта шартномалари шартлари бажарилиши, ижро этилиши - суғурта шартномаси шартларидан келиб чиқувчи талабларни тартибга солиш, ҳал этиш (суғурта товони (пули)ни тўланиши билан боғлиқ жараён) да иштирок этиши мумкин. Суғурта брокери ҳам суғурта агенти сингари комисион ҳақ учун ишлайди, лекин суғурта агентидан фарқли равишда комисион ҳақни суғурталанувчидан олади.

Суғурталанувчи учун энг қулай ва мувофиқ суғурта шартларини тақдим этадиган суғурталовчини топиб бериш, суғурта ходисаси рўй берганда суғурталанувчига суғурта товонини олиш учун ёрдам кўрсатиш, суғурта мукофотларини тўланишини таъминлаш суғурта брокерининг мажбуриятларидир.

Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади. Қайта суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас.

Қайта суғурта брокери ўзи билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади.<sup>9</sup>

Суғурта бозори инфратузилмасининг яна бир муҳим иштирокчиси суғурта сюрвейери. Сюрвейер дегани бу бирор нарсани кўздан кериш, назоратдан ўтказиш деган маънони билдиради. Бу тушунча ўтган асрларда асосан денгиз кемалари билан боғлиқ бўлган.

---

<sup>8</sup><http://www.glossary.ru>.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни – 8-модда.

Қуйидаги жадвалда суғурта брокери ва суғурта агентининг асосий фарқларини кўришимиз мумкин.

**1-жадвал**

**Суғурта брокери ва суғурта агентларининг асосий фарқли жиҳатлари<sup>10</sup>**

<b>Параметрлар</b>	<b>Брокер</b>	<b>Агент</b>
<b>Ташкилий-хуқуқий шакли</b>	МЧЖ, ХК, АЖ, ... (фақат юридик шахс)	ЯТТ, МЧЖ, ХК, ШК, АЖ...
<b>Лицензиялаш</b>	Молия вазирлиги лицензияси асосида	Талаб етилмайди
<b>Суғурталовчи билан ҳамкорлик шакли</b>	Брокер – барча суғурталовчилар тўғрисида маълумотларга эга бўлган мустақил эксперт. У суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига кўра суғурта шартномасини тузади	Агент – суғурталовчининг манфаатлари бўйича фаолият юритадиган суғурталовчининг жойлардаги вакили
<b>Хизмат тури</b>	Суғурта брокери суғурта шартномасида суғурта қилдирувчи ҳолатида бўлиши ҳам мумкин ва бевосита даъво ишларида қатнашиши мумкин.	Суғурта агенти – фақатгина воситачи ва у суғурта шартномасида қатнаша олмайди.
<b>Манфаатларни ҳимоя қилиш</b>	Суғурта қилдирувчининг манфаатларини ҳимоя қилади	Суғурталовчининг манфаатларини ҳимоя қилади
<b>Компетентлик</b>	Ҳар доим рискларни ўрганади, таҳлил қилади, чунки юқори рискли шартномалар унинг бевосита даромадига таъсир қилади	Одатда рискларни чуқур таҳлил қилмайди, суғурталовчига таянади
<b>Комиссион ҳақ</b>	Суғурта қилдирувчидан олади, қанча комиссион ҳақ олишда максимал чегара мавжуд эмас	Комиссион ҳақни суғурталовчи тўлайди, суғурта мукофотининг 25% миқдорида максимал чегара

<sup>10</sup> Мавжуд маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

		ўрнатилган
<b>Суғурта кидирувчи олдидаги жавобгарлик</b>	Суғурта кидирувчи олдида тўлиқ жавобгар	Агент эмас, суғурталовчи жавобгар бўлади

Суғурта сюрвейери суғурта (кайта суғурта қилиш) шартномаси тузилгунига қадар суғурта (кайта суғурта қилиш) объектини кўздан кечириш ва текшириш, суғурта (кайта суғурта қилиш) шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш, текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш. бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир.<sup>11</sup>

Суғурта сюрвейери суғуртага қабул қилиниши мўлжалланган мол-мулкни кўздан кечириб, текширувчи, суғурталовчининг назоратчисидир. Суғурта сюрвейерининг суғуртага қабул қилиниши мўлжалланган мол-мулкни кўздан кечириб, текшириши натижалари бўйича берган хулосасига мувофиқ суғурталовчи суғурта шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласини ҳал этади.

Суғурта сюрвейери томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида суғурталовчи таъриф ставкани аниқлайди ва суғуртага олинаётган суғурта объекти зарарланишига олиб келиши мумкин бўлган омиллардан воқиф бўлади. Сюрвейернинг суғурталовчи билан бўлган муносабатлари ўзаро тузилган шартнома билан тартибга солинади. Суғурта сюрвейери суғурталовчининг ходими ёки бошқа алоҳида сюрвейерлик хизматларини кўрсатувчи фирма вакили ёхуд ҳолис профессионал билим ва малакага эга бўлган шахс сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни – 9<sup>6</sup>-модда.



Аджастер суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) ва бошқа буюртмачининг топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир ҳамда суғурта ходисаси билан боғлиқ суғурталанувчининг талабларини тартибга солувчи ва суғурта компанияси манфаатларини ифодаловчи юридик ёки жисмоний шахс аджастер ҳисобланади.

Аджастер суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича суғурта ходисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш, суғурта ходисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ходисаси мавжудлигини аниқлаш, суғурта ходисаси мавжуд бўлган тақдирда - суғурта ходисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш, тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш ва суғурталовчи учун суғурта ходисаси бўйича ҳулоса тузиш хизматларини кўрсатувчи юридик ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир.

Бозор қонунига кўра суғурталовчилар ўртасида ҳам рақобат ўсиб боради ва суғурталовчиларга нафақат янги миқдорларни жалб этиш, балки мавжуд миқдорларни ушлаб туриш ҳам муаммога айланиб боради. Суғурта тарифларини камайтириш билан миқдорларни жалб этиш эса суғурталовчини молиявий инқирозга олиб келмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Шунинг учун суғурта шартномасига суғурта ассианси кўрсатилиши шартлари киритилиши амалиётда кенг қўлланилиши кузатилмоқда.

Ассианс суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида ассианс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Ассистанс ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади. Ассистанс хизматларига суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахслар) иштирокисиз фақат суғурталовчилар томонидан ҳақ тўланади.<sup>12</sup>

Содда қилиб айтганда суғурта ассистанси бу суғурталовчининг ўз миждозларига уларнинг қийин ҳолатида кўрсатадиган ёрдамидир. Бу ёрдам йўл транспорт ҳодисаси юз берган ҳолларда суғурталовчи жабрланган миждозига йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини ва тиббий тез ёрдамни чақиришга ёрдам бериш, транспорт воситасини транспортировкаси учун эвакуатор билан таъминлаш ҳамда йўл транспорт ҳодисаси натижасида жабрланган шахсларни даволаш муассасаларига жойлаштиришда ҳамкорлик қилишдан иборат бўлади.

Тиббий суғуртада суғурта ассистанси бепул ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишида намоён бўлади. Мулкӣ суғуртада эса, суғурта ассистансни мазмуни содир бўлган ҳодиса талофатларини бартараф этилишида кўмаклашишида намоён бўлади.

Суғурта ассистанси хизматлари суғурталовчи қошида ташкил этилган алоҳида махсус компаниялар орқали амалга оширилиши мумкин. Ассистанс хизматларининг қулайликлари миждозларни суғурталовчига боғланишини касб этиши билан суғурта бозорида ўзига хос аҳамият касб этади. Қолаверса, суғурталовчилар ўзларининг суғурта хизматлари учун тарифларни кўтаришларига суғурта ассистанси хизматларини асос қилиб олишса, миждозлар эса нисбатан каттароқ ҳақ учун кўшимча хизматларни олишдан мамнун бўлади.

Суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг такрорийлигини

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни – 9<sup>8</sup>-модда.

ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгиловчи, суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усуллари ишлаб чиқувчи, суғурталовчининг инвестиция портфелида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни, тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга кўмаклашадиган тарзда аниқловчи, суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннарҳини ҳисоб-китоб қилувчи, суғуртанинг (қайта суғуртанинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узок муддатли ва қисқа муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгиловчи, суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳоловчи ва суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (қайта суғуртанинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштирувчи актуар хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс актуарий ҳисобланади.

Суғурта ишининг ходисалар рўй бериши эҳтимоллиги, суғурта хизматининг қиймати ҳисоблаб чиқилиши, суғурталовчи махсус захираларга эга бўлиши лозимлиги ҳамда суғурта мукофотлари ва суғурта товонлари ўртасидаги мувозанат талаб этилиши каби ўзига хос хусусиятлари актуар ҳисоблар амалга оширилишини талаб этади. Актуарий – бу суғуртанинг математик жиҳатларига профессионал даражада ўқитилган шахсдир. Математик жиҳатдан эҳтимоллик методларини қўллаган ҳолда молиявий ва ижтимоий соҳадаги қийин масалаларни ечимини топади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ суғурта ташкилотлари бир йилда бир марта молия йили якунлангандан сўнг кейинги йилнинг олти ойи ичида актуар ташкилотининг кузатувидан ўтишлари шарт.

Юқоридаги суғурта бозори инфратузилмасини асосий иштирокчиларидан ташқари суғурта бозори инфратузилмасини суғуртага ихтисослашган аудиторлар, ихтисослашган ва кўп тармоқли маслаҳатчилар, баҳолаш хизматлари, юридик хизматлар ва бошқа шу каби профессионал билим ва малакага эга бўлган юридик ёки жисмоний шахсларни киритиш ҳам мумкин. Улар суғурта бозорида ҳар ҳил кўринишда намоён бўлади.

### **1-боб бўйича хулосалар**

Суғурта бозори инфратузилмаси бу – фаолияти суғурта соҳаси ва суғурта хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган барча субъектларнинг ўзаро муносабатлари мажмуи тушунилади. Суғурта бозори инфратузилмаси - ривожланган суғурта бозорини шакллантиришда энг асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Суғурта бозори инфратузилмасини суғурта бозори профессионал иштирокчилари, турли соҳа ҳамда ихтисослик мутахассислари ҳамда суғуртанинг унумли фаолияти учун ёрдам берадиган фаолият турлари ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тартибини назарда тутувчи ва асосини суғурта воситачилари (суғурта агенти, суғурта ҳамда қайта суғурта брокери), аджастер, актуарий, суғурта сюрвейери ва ассистанс каби субъектлар ташкил этади.


«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун суғурта бозори инфратузилмасининг энг юқори поғонада турувчи муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб, у инфратузилманинг жаҳон стандартлари талабларига мос равишда шаклланишини, профессионал иштирокчиларнинг ваколатлари чегарасини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди.

## 2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ.

### 2.1. Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси таркибининг замонавий ҳолати

2018 йил 12 февраль ҳолатига Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасининг таркибий тузилиши қуйидагича<sup>13</sup>:

- Суғурта компаниялар – 27 та, шу жумладан:
  - 1) ҳаёт суғуртаси тармоғида – 4 та;
  - 2) умумий суғурта тармоғида – 23 та.
- Суғурта воситачилари:
  - 1) суғурта брокерлари – 3 та;
  - 2) суғурта агентлар – 5 800 дан ортиқ.



1-расм. Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси.<sup>14</sup>

<sup>13</sup>2018-йил 8 май ҳолатига суғурталовчилар ва суғурта брокерларига суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи амалдаги лицензиялар реестри

- Суғурта фаолиятига хизмат кўрсатувчи субъектлар (ассистанс, аджастер ва сюрвейерлар) – 18 та.

- Актуар ташкилотлар – 4 та.

Мамлакатимиз миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари суғурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вақтнинг ўзида универсал фаолиятни ҳам олиб бормоқдалар. Йилдан йилга суғурта ташкилотларининг устав капиталларига бўлган талаб оширилиб борилмоқда. Бундай ўзгаришлар қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланиб борилмоқда.

Суғурта компанияларнинг мулкӣ-ҳуқуқӣ шаклига келадиган бўлсак тўлиқ давлат суғурта компанияси, давлат улуши бўлган ва хусусий суғурта компанияларга ажратишимиз мумкин. Хусусий суғурта компанияларда ҳам давлат улуши умуман йўқ деб бўлмайди.

Хозирги даврда суғурта компанияларнинг аксарият қисми ташкилий-ҳуқуқӣ шакли жиҳатидан масъулияти чекланган жамият кўринишида фаолият юритмоқда. Оҳирги йилларда суғурталовчилар бошқа ташкилий-ҳуқуқӣ шакллардан масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириши кузатилмоқда. Уларга, "O'zbekinvest Hayot" МЧЖ, "Alfa Invest" МЧЖ, "Garant Insurance Group" МЧЖ суғурта компанияларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

2017-йил январ ҳолатига суғурта компанияларнинг мамлакат бўйича ҳудудий филиаллари ва бўлинмалари сони 1123 тага етди. 2017 йилнинг ўзида эса республика бўйича 81 та янги бўлинмалар очилди. 2010 йилда суғурта компанияларнинг филиаллари ва бўлинмалари 892 та эди, бу кўрсаткич хозирги даврда 1,3 баробар ортганлигини кўришимиз мумкин.

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекцияси йиллик ҳисоботи. 2017 й.

Бу кўрсаткичлар суғурта бозори инфратузилмасининг пойтахтдан ташқари худудларда ҳам жадал ривожланаётганидан далолат беради. Хозирги даврга келиб суғурта компанияларнинг штатида республика бўйича 4900 дан ортиқ ходимлар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта соҳасини чуқур ўрганган юқори малакали мутахассисларга талаб ҳали ҳам юқори бўлиб қолмоқда.

Суғурта воситачиларга келадиган бўлсак, хозирги даврга келиб Ўзбекистон суғурта бозорида 3 та суғурта брокери мавжуд.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон суғурта бозоридаги суғурта брокерлари<sup>15</sup>**

<b>№</b>	<b>Суғурта брокери номи</b>	<b>Лицензия сони ва берилган санаси</b>
1	«INSURANCE BROKER CONSULTING» МЧЖ	СФ 00185-сонли, 01.11.2013 йилда берилган
2	«InRe» МЧЖ	СФ 00218-сонли, 30.09.2016 йилда берилган
3	«ORIENTINSURANCEBROKER» МЧЖ	СФ 00204-сонли, 25.09.2015 йилда берилган

Лекин, шунинг илоҳотида олиш лозимки, фақат қайта суғурта брокери фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаб қилинмагани боис, Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият юритадиган қайта суғурта брокерларининг сони суғурта брокерлардан ортиқ бўлиш мумкин. Бу кўрсаткич суғурта брокерларининг суғурта бозоридаги таъсири жуда пастлигидан далолат беради. Давлат рўйхатидан ўтган суғурта агентларнинг сони республика бўйича 5800 дан ортиқ, лекин ҳақиқатда барқарор фаолият

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекцияси хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

олиб борувчи суғурта агентларнинг сони анча камроқ бўлиши эҳтимоли ҳам мавжуд<sup>16</sup>.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта фаолиятига хизмат кўрсатувчи бошқа субъектлар яъни, суғурта сюрвейерлар, аджастерлар ва суғурта ассистансларининг умумий сони 18 та<sup>17</sup>. Ушбу субъектларнинг сонини умумий белгилашнинг сабаби, суғурта сюрвейерлар, аджастерлар ва суғурта ассистанслар фаолияти бир-бирига жуда яқин ва ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳисобланади.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон суғурта бозоридаги ассистанс ташкилотлари<sup>18</sup>

№	Ассистанс номи
1	«Ўзбекинвест Ассистанс» МЧЖ
2	«Global Assist»
3	«Bovar Service» МЧЖ
4	«ESADO» МЧЖ
5	«AKOM ASSIST» МЧЖ
6	«Top Assist» МЧЖ

Суғурта компаниялари ўзларининг суғурта фаолиятларининг рақобатбардошлигини ошириш, суғурта қилдирувчиларга қулайликлар яратиш, ўз харажатларини камайтириш мақсадида ассистанс, аджастер ва суғурта сюрвейери фаолиятни олиб борадиган ташкилотларини таъсис этишлари мумкин. Уларга мисол қилиб «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг «Ўзбекинвест Ассистанс» МЧЖ, «KAPITAL SUG`URTA» Акциядорлик жамиятининг «Top Assist» МЧЖ ҳамда «TEMIRYO`L-SUG`URTA» МЧЖ

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016-йил суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича йиллик ҳисоботи.

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016-йил бўйича суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича йиллик ҳисоботи.

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан турли хил оммавий ахборотлари маълумотлари асосида тузилган.



Суғурта компаниясининг юкларни суғурта қилиш соҳасида транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш учун таъсис этилган «Temiryo`l Aziaservis» Шўба корхоналарини<sup>19</sup> мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта фаолиятининг энг муҳим, юқори малакали профессионал иштирокчиси ҳисобланадиган актуар ташкилотлар сони ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги даврга келиб актуар ташкилотларнинг сони 4 тага етди. Уларга, «Actuarial Service Bureau» МЧЖ, «Actuarial Advisers» МЧЖ, «Actuarial Services» МЧЖларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон суғурта бозорида кўп тажрибага эга бўлган, штатида юқори малакали мутахассилари бор, хизмат турлари кенг бўлган, етакчи актуар ташкилотлардан бири «Actuarial Service Bureau» МЧЖ ҳисобланади. Ушбу ташкилот суғурталовчиларга актуар хизматлар кўрсатишдан ташқари, уларнинг суғурта портфелларини автоматлаштириш, суғурта фаолияти билан боғлиқ бизнес-жараёнларини мувофиқлаштириш ва оптималлаштириш бўйича ўзларининг «ASB» номли дастурий таъминотини таклиф қилади.<sup>20</sup>

Бундан ташқари, суғурта бозори инфратузилмасининг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 апрель 2007 йилдаги 618-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ассоциацияси ташкил этилган.

Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб суғурта бозорининг аҳволини ўрганиш, рақобатни ривожлантириш, ҳажмларни кўпайтириш, спектрни кенгайтириш ва суғурта хизмати сифатини ошириш, Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига потенциал чет эл инвесторларини капитал маблағлар сарфлашда қўллаб-қувватлаш, республика аҳолиси ўртасида суғурта масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини амалга ошириш, суғурта соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини

---

<sup>19</sup>www.tys.uz - «TEMIRYO`L-SUG`URTA» СК МЧЖ расмий веб сайти.

<sup>20</sup>www.asb.uz - «Actuarial Service Bureau» МЧЖ расмий веб-сайти.

такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.<sup>21</sup>

Суғурта бозори инфратузилмасини ривожланишини бошқариш суғурта фаолиятини ривожланишида муҳим ҳисобланади. Республика суғурта бозорида тузилмавий сиёсатнинг яна бир жиҳати, ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари ўртасидаги нисбатни ҳам мақбуллаштиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларининг тикланиши ва суғурта маданиятининг паст даражаси шароитида мажбурий суғурта турларини амалга ошириш муқаррардир, бундай шароитда мажбурий суғурта турларини амалга ошириш бозор капиталлашувини тезлаштиришга хизмат қилади. Суғурта мукофотлари тақсимотининг таҳлили маҳаллий суғурталовчиларнинг суғурта портфелида асосий ўринни ихтиёрий суғурта турлари эгаллаганлигини кўрсатмоқда.


## **2.2. Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси ривожланишининг асосий тенденциялари ва таҳлили.**

Охириги йиллар давомида аҳолининг суғуртага бўлган муносабатлари тобора яхшиланиб, фуқароларнинг суғурталовчиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндашилмоқда.

Муқобил равишда суғурта мукофотларининг умумий миқдори ўсиб бориши билан бирга, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши, шунингдек, суғурта тўловларининг ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Қуйидаги Ўзбекистон Ялпи ички маҳсулотига суғурта хизматлари улушининг ўзгариш суръатлари таҳлилига кўра 2017 йилда юқори ўсиш кузатилди.

---

<sup>21</sup>[www.uz-insur.uz](http://www.uz-insur.uz) - Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ассоциацияси расмий веб-сайти.



**2-расм. Ўзбекистон ЯИМ даги суғурта хизматлари улушининг ўзгариш суръатлари (фоизда).<sup>22</sup>**

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотининг ҳажми ҳам суғурта бозори ривожланишини ифодаловчи фундаментал кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.




**3-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғуртамукофоти (сўмда).<sup>23</sup>**

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекцияси йиллик ҳисоботи ва давлат статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекцияси йиллик ҳисоботи ва давлат статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу кўрсаткич асосида мамлакат аҳолиси ўртасида суғурта хизматларининг қанчалик оммалашганлигини билиш мумкин. Суғурта мукофотларининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши кўрсаткичининг ўсиш суръатига нисбатан бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати бирмунча юқори эканлигини кўриш мумкин. Ривожланган мамлакатлардаги ушбу кўрсаткич билан таққосланганда киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари миқдори мамлакатимизда кичик миқдорни ташкил этмоқда. Аммо ўтган 2016 йилда ушбу кўрсаткич 21643 сўмни ташкил этган бўлса, 2017йилда бу кўрсаткич 28122 сўмга ўсиши кузатилди. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан деярли 4 баробар ўсди.<sup>24</sup>




**4-расм. Ўзбекистон суғурта бозорининг умумий суғурта мукофотлари ва тўловлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>25</sup>**

<sup>24</sup>stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

<sup>25</sup>saipro.uz – Миллий ахборот-рейтинг агентлиги маълумотлари.

2011 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта товонлари динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2011 йилдан 2017 йилгача бўлган давр мобайнида йиғилган суғурта мукофотлари юқори ўсиш тенденциясига эга. 2017 йилда йиғилган суғурта мукофотлари 2011 йилга нисбатан қарийб 715,4 миллиард сўмга кўпайган. Тўланган суғурта товонлари ҳам суғурта мукофотларларга мос равишда ўсиш тенденциясига эга. Айниқса 2017 йилда ўтган 2016 йилга нисбатан 206% га ўсиши кузатилди.




**5-расм. Умумий суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>26</sup>**

Умумий суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 2017 йилда 788,8 млрд.сўмни ташкил этди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 417,6 млрд.сўмни ташкил этган. 2014 йилга нисбатан умумий суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 188,9% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

<sup>26</sup> saipro.uz – Миллий ахборот-рейтинг агентлиги маълумотлари.

Умумий суғурта тармоғи орқали тўланган суғурта тўловлари эса 2017 йилда 191,7 млрд.сўмни ташкил этди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 63,6 млрд.сўмни ташкил этган. 2014 йилга нисбатан умумий суғурта тармоғи орқали тўланган суғурта тўловлари 301,4% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.




**6-расм. Ҳаёт суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>27</sup>**

Ҳаёт суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 2017 йилда 138,6 млрд.сўмни ташкил этди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 21,6 млрд.сўмни ташкил этган. 2014 йилга нисбатан ҳаёт суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 644,7% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳаёт суғурта тармоғи орқали тўланган суғурта тўловлари эса 2017 йилда 78,3 млрд.сўмни ташкил этди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 11,1 млрд.сўмни ташкил этган. 2014 йилга нисбатан умумий суғурта тармоғи орқали тўланган суғурта товонлари 705,4% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

<sup>27</sup>saipro.uz – Миллий ахборот-рейтинг агентлиги маълумотлари.




**7-расм. Ихтиёрий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>28</sup>**

Ихтиёрий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 2017 йилда 694,11 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 179,01 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан ихтиёрий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 387,7% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Ихтиёрий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари эса 2017 йилда 202,4 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 29,8 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан ихтиёрий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари 678,9% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Мажбурий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 2017 йилда 233,35 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 77,3 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан мажбурий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 301,9% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

<sup>28</sup>saipro.uz – Миллий ахборот-рейтинг агентлиги маълумотлари.



**8-расм. Мажбурий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>29</sup>**


Мажбурий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари эса 2017 йилда 67,58 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 13,82 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан мажбурий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари 489,01% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Келиб тушган суғурта мукофотлари суғурта турлари бўйича тақсимланганда, миллий суғурта компанияларининг портфелида ихтиёрий суғурта тури асосийси эканлигини кўришимиз мумкин. 2017 йилда йиғилган суғурта мукофотларининг 74,8 фоизи ихтиёрий суғурта тури бўйича келиб тушганлигини ва охириги беш йил ичида суғурта мукофотларининг кўп қисми асосан ушбу суғурта тури бўйича тушганлиги республикамызда ихтиёрий суғурта мажбурий суғуртадан яхшироқ ривожланганлигидан далолатдир.

Кўришимиз мумкинки, суғурта товонлари таҳлилида ҳам Ўзбекистон суғурта бозорида мажбурий суғуртадан кўра ихтиёрий суғурта турларининг салмоғи кўпроқни ташкил этмоқда.

<sup>29</sup>saipro.uz – Миллий ахборот-рейтинг агентлиги маълумотлари.





**9-расм. Суғурта компаниялари томонидан қабул қилинган мажбуриятлар динамикаси (трлн.сўмда).<sup>30</sup>**


Суғурта фаолиятининг моҳияти суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида суғурта шартномаси тузилгандан кейин шартномада кўзда тутилган ҳолатларюз берганда суғурталанувчининг кўрган зарарини суғуртачи томонидан қоплаб берилишидан иборатдир.

Йиғилган маблағларнинг аксарият қисми ушбу мақсадларга сарф қилиниши керак. Кўрсаткичларни таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, йиғилган суғурта мукофотлари ҳисобидан тўлаб берилган суғурта қопламалари миқдори кичик ҳажмни ташкил этиб, ушбу нисбат ўтган 2017-йилдаўртача 20,2 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич Россияда 50-55 фоизни, бошқа ривожланган Америка, Япония ва Европа мамлакатларида 70-90 фоизни ташкил этади.

Юқорида суғурта компаниялари томонидан қабул қилинган мажбуриятлар динамикасини таҳлиliga кўра, 2016-йилда суғурталовчилар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар 298,1 трлн.сўмни ташкил этди.

<sup>30</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016-йил бўйича суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича йиллик ҳисоботи маълумотлари.

2010-йилда бу кўрсаткич 70,9 трлн.сўмни ташкил этган эди, суғурталовчилар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар 2017-йилга келиб қарийб 4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин.




**10-расм. Суғурталовчиларнинг жами активлари ва суғурта захиралари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>31</sup>**

Юқорида келтирилган суғурталовчиларнинг активлари ва суғурта захиралари динамикасида суғурталовчиларнинг жами активлари ва суғурта захиралари юқори ўсиш тенденциясига эга эканлигини кузатишимиз мумкин. 2010-йил натижаларига кўра суғурталовчиларнинг жами активлари 409,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016-йил натижаларига кўра эса 1183,5 млрд.сўмга етганини кўришимиз мумкин. 2010-йилга нисбатан бу кўрсаткич 2,9 баробар ошган.

2010-йил натижаларига кўра суғурталовчиларнинг жами суғурта захиралари 136,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016-йил

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016-йил бўйича суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

натижаларига кўра эса 566,7 млрд.сўмга етганини кўришимиз мумкин. 2010-йилга нисбатан бу кўрсаткич 4,2 баробар ошган.



**11-расм. Суғурталовчиларнинг жами хусусий капитали динамикаси (млрд.сўмда).<sup>32</sup>**

Суғурталовчиларнинг жами активлари ва жами суғурта захиралари орасидаги катта фарқ, суғурталовчиларнинг суғурта мажбуриятларни ўзида қолдириладиган улуши миқдори етарли даражада эканлигидан далолат беради.

2010 йил натижаларига кўра суғурталовчиларнинг жами хусусий капитали 281,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016-йил натижаларига кўра эса 654,5 млрд.сўмга етганини кўришимиз мумкин. 2010-йилга нисбатан бу кўрсаткич 2,2 баробар ошган.


Шу жумладан, 2010-йил натижаларига кўра суғурталовчиларнинг жами Устав капитали 200,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2016-йил натижаларига кўра эса 321,6 млрд.сўмга етганини кўришимиз мумкин. 2010-йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,6 баробар ошган.

<sup>32</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекциясининг 2017-йилги ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилган.



**12-расм. Суғурталовчиларнинг жами устав капиталлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>33</sup>**

2012-йил натижаларига кўра суғурталовчиларнинг жами инвестициялари миқдори 437,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017-йил натижаларига кўра эса 1482,6 млрд.сўмга етганини кўришимиз мумкин.



**13-расм. Суғурталовчиларнинг жами инвестициялари таркиби динамикаси (млрд.сўмда).<sup>34</sup>**

<sup>33</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекциясининг ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу кўрсаткич 2012-йилга нисбатан 3,4 баробар ошган. 2017-йилда жами инвестициялар ҳажмининг ўтган 2016-йилга нисбатан рекорд даражада 170,9% га ошганлигини кузатишимиз мумкин.

#### 4-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида умумий суғурта тармоғида фаолият олиб боровчи суғурталовчиларнинг 2017-йил натижалари бўйича суғурта мукофотларининг тўловларига нисбати.<sup>35</sup>

№	Компаниянинг номи	Суғурта мукофотлари	Суғурта тўловлари	Зарарлилик даражаси
1	"Узагросуғурта" АЖ	134 295,29	93 251,50	69,4%
2	"Ўзбекинвест" ЭИМСК	130 832,09	20 311,62	15,5%
3	"Gross Insurance" МЧЖ	81 269,54	11 405,17	14,0%
4	"Кафолат" АЖ СК	80 344,09	23 895,73	29,7%
5	"Alfa Invest" СТ МЧЖ	61 905,74	7 128,93	11,5%
6	"Alskom" АЖ	46 070,93	11 307,64	24,5%
7	"Asia Inshurans" МЧЖ	35 247,62	4 847,97	13,8%
8	"Euroasia Insurance" ҚК МЧЖ	30 608,13	759,50	2,5%
9	"Temiryo'l-Sug'urta" СК МЧЖ	28 063,90	1 862,27	6,6%
10	"Kapital Sug'urta" АЖ	24 801,52	6 349,56	25,6%
11	"Инго-Узбекистан" АЖ	22 334,93	1 506,94	6,7%
12	"Xalq Sug'urta" МЧЖ	14 848,04	1 161,81	7,8%
13	"Universal-Sug'urta" АЖ	14 539,44	1 097,20	7,5%
14	"Asko-Vostok" МЧЖ	13 486,73	453,12	3,4%
15	"Kafil sug'urta" МЧЖ	13 102,63	147,23	1,1%
16	"Global Insurance Group" МЧЖ	10 197,16	127,70	1,3%
17	"Mega Invest Insurance" МЧЖ	9 423,65	438,50	4,7%
18	"Tashkent Insurance Group" МЧЖ	8 463,98	1 149,52	13,6%
19	"Ishonch" БСК МЧЖ	7 737,10	2 113,60	27,3%
20	"Hamkor Sug'urta" МЧЖ	7 605,97	792,83	10,4%
21	"Unipolis" МЧЖ	5 106,32	314,93	6,2%
22	"Garant Insurance Group" МЧЖ	4 766,46	433,21	9,1%
23	"DD-General Insurance" МЧЖ	3 756,82	835,65	22,2%
<b>Жами:</b>		<b>788 808,05</b>	<b>191 692,12</b>	<b>14,5%*</b>

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекциясининг ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>35</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекциясининг ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган жадвалда Ўзбекистон Республикасида умумий суғурта тармоғида фаолият олиб боровчи суғурталовчиларнинг 2017-йил натижалари бўйича суғурта мукофотларининг тўловларига нисбати тахлилига кўра, ўртача зарарлилик 14,5 % ни ташкил этди.

Миллий суғурта бозорининг концентрация даражаси 2017 йилда йиғилган суғурта мукофотлари миқдорида кўринган. 2017 йилда йиғилган жами суғурта мукофотларининг 52,9 фоизи бешта - "Узагросуғурта" АЖ, "Ўзбекинвест" ЭИМСК, "Gross Insurance" МЧЖ, "Кафолат" АЖ СК ва "Alfa Invest" МЧЖ суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келди. Бундай кўрсаткич суғурта бозоридаги соғлом рақобат муҳитининг яратилишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан биридир.

#### 5-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида ҳаёт суғуртаси тармоғида фаолият олиб боровчи суғурталовчиларнинг 2017-йил натижалари бўйича суғурта мукофотлари ва тўловлари.<sup>36</sup>

№	Компаниянинг номи	Суғурта мукофотлари	Ўзгариши %	Суғурта тўловлари	Ўзгариши %
1	"O'zbekinvest Hayot" МЧЖ	63 517,42	176,56	37 615,96	184,97
2	"New Life Insurance" МЧЖ	44 677,53	274,83	24 965,13	224,64
3	"Alfa Life" ШХЖ	17 525,73	254,77	12 427,98	382,79
4	"Agros Hayot" МЧЖ*	12 922,67	-	3 295,92	-
<b>Жами:</b>		<b>138 643,35</b>	<b>235,9</b>	<b>78 304,99</b>	<b>264,13</b>

Ўзбекистон Республикасида ҳаёт суғуртаси тармоғида фаолият олиб боровчи суғурталовчиларнинг 2017-йил натижаларига кўра ҳаёт суғурта компаниялариинг юқори ўсиши тенденциялари кузатилмоқда. Хусусан

<sup>36</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекциясининг ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

суғурта мукофотлари ўсиши "New Life Insurance" МЧЖда 274,8%, "Alfa Life" ШХЖда 254,8%га етганлигини кўришимиз мумкин. 2017-йилда ҳаёт суғурта бозорида "Agros Hayot" МЧЖ суғурта компанияси ўз фаолиятини бошлади ва шу йилнинг ўзидаёқ юқори кўрсаткичларга эришишга муваффақ бўлди.

Ундан ташқари суғурталовчиларнинг қайта суғурта портфелини диверсификация қилиш мақсадида халқаро қайта суғурта фаолияти соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, катта сифимга эга Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ ва Россия давлатлари билан ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон суғурталовчилари фақат рискларни хорижий давлатларда қайта суғурта қилишда, фақатгина Суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан тан олинган, халқаро барқарор рейтингларига эга суғурта компанияларда суғурталашлари мумкин.

**6-жадвал**

**Жами суғурта мукофотларининг вилоятлар кесимидаги улушлари динамикаси.<sup>37</sup>**

Вилоят, шаҳар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Тошкент шаҳри	59,9	61	58	52,1	53,7	54,8	52,2	55,6
Тошкент вилояти	6,1	6	6,6	8,1	7,3	7,2	7,5	7,5
Фарғона	4,7	4,7	5,1	5,9	5,6	5,2	5,4	5,4
Самарқанд	3,9	4,1	4,6	4,7	4,4	4,1	4,3	4,2
Андижон	4,4	4	4,1	4,5	4,3	4,2	4,2	4,3
Қашқадарё	3,9	3,3	3,4	4	4,2	4	4,1	3,5
Бухоро	3,8	3,5	3,5	4,2	3,9	3,9	4	3,8
Наманган	2,8	3	3,1	3,7	3,4	3,4	3,7	3,1
Хоразм	2	2,2	2,4	2,8	2,9	2,8	3,2	3,0
Сурхандарё	2,3	2,2	2,4	2,7	2,6	2,6	2,8	2,2
Қорақалпоғистон	2,4	1,7	2,1	2,4	2,4	2,3	2,5	2,2
Навоий	1,9	1,9	1,9	2	1,9	1,9	2,3	2,2
Жиззах	0,9	1,2	1,3	1,6	1,7	2	2,2	2,0
Сирдарё	1,2	1,3	1,5	1,4	1,7	1,7	1,5	1,1
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

<sup>37</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги суғурта назорати давлат инспекциясининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларига қараганда, мамлакатимиздаги суғурта компанияларга келиб тушган суғурта мукофотларининг асосий улуши Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Аммо 2010-2017-йиллардаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг улуши пасайиб, вилоятларнинг суғурта мукофотларидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Бу вилоятлардаги иқтисодий фаолликни ўсиши ва суғурта хизматларининг ривожланаётганлигидан далолатдир. Ҳозирги даврда мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компанияларнинг аксарият қисми вилоятларда ўз филиалларига эга. Агар ҳудудларда филиал ташкил этиш учун иқтисодий асос мавжуд бўлса яъни суғурта маҳсулотларни сотиш имкони бўлса, вилоятларда филиал ва бўлинмаларни ташкил этиш, техник жиҳатдан суғурта компанияларга қийинчилик туғдирмайди.

## **2-боб бўйича хулосалар**

Мамлакатимиз миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари суғурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вақтнинг ўзида универсал фаолиятни ҳам олиб бормоқдалар. Йилдан йилга суғурта ташкилотларининг устав капиталларига бўлган талаб оширилиб борилмоқда. Бундай ўзгаришлар қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланиб борилмоқда.

Миллий суғурта бозорининг концентрация даражаси 2017 йилда йиғилган суғурта мукофотлари миқдорида кўринган. 2017 йилда йиғилган жами суғурта мукофотларининг 52,9 фоизи бешта - "Узагросуғурта" АЖ, "Ўзбекинвест" ЭИМСК, "Gross Insurance" МЧЖ, "Кафолат" АЖ СК ва "Alfa Invest" МЧЖ суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келди.



### 3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

#### 3.1. Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантиришни хорижий тажрибаси


Суғурта соҳаси ҳар қандай иқтисодий тизимнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксиз боришини таъминлайди ҳамда иқтисодий ривожланишга инвестиция қўйилмаларининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суғурта соҳасининг ресурслари ўз ҳажми жиҳатидан фақат банк ресурсларидангина кам бўлиб, бир қатор мамлакатларда улар ЯИМ нинг 13-15 фоизини ташкил қилади.



**14-расм. 2016-йил натижаларига кўра мамлакат ЯИМда суғурта хизматларининг улуши энг юқори бўлган давлатлар.<sup>38</sup>**

<sup>38</sup>institute.swissre.com - Swiss Re Institute, Sigma No 3/2017.

Юқорида келтирилган Swiss Re институтининг тадқиқотларига кўра жаҳонда ҳозирги даврда суғурта хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги энг юқори улушини Кайман ороллари давлати намоён қилмоқда. Кайман ороллариининг аҳоли сони 54600 нафарни ташкил қилсада, жадал ривожланаётган оффшор мамлакат бўлганлиги туфайли бу давлатда 100 000 та компаниялар, деярли 500 та банк, тахминан 5000 та пай фондлари ва 800 та суғурта ташкилотлари рўйхатдан ўтган. Бутун жаҳон мамлакатлари бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 6,3 фоизни ташкил қилди.



15-расм. Жаҳон суғурта бозорларининг ўсиш суръатлари<sup>39</sup>.

Назорат ва бошқарув функцияларини ўзида мужассам этган ижро ҳокимиятининг органи мақомига эга бўлган давлат суғурта назорати органлари суғурта бозори инфратузилмаси ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Турли мамлакатларда давлат суғурта назорати органлари турли

<sup>39</sup> institute.swissre.com - Swiss Re Institute, Sigma No 3/2017

вазирликлар ёки идоралар қошида очилган бўлишига қарамасдан мустақил равишда ҳаракат қилиши ва қарорлар қабул қила оладиган даражада бўлади.

Чет эл мамалакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат суғурта назорати суғурта бозори инфратузилмаси фаолиятини назорат қилишни талаб этади ва бу ҳолат суғурта бозори ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Шу орқали суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳимоясини таъминлаш мумкин.

Суғурта агентлари суғурталовчи номидан суғурта бозорида иштирок этишлари жиҳатидан келиб чиқиб, уларнинг фаолиятлари суғурталовчилар билан бирга тартибга солинади. Суғурта брокери ривожланган мамлакатларда суғурталанувчи (қайта суғурталанувчи) манфаатида бўлганлиги учун унинг фаолияти давлат томонидан алоҳида, махсус усул ва шаклда тартибга солинади (лицензиялаштирилиши ва х.к.). Суғурта агентлари суғурталовчи билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишлайди (айрим давлатларда меҳнат шартномалари асосида). Чегараланган тамойил амал қиладиган мамлакатлар ҳам мавжуд. Унга кўра суғурта агентлари фақат битта суғурталовчи билан ишлашига руҳсат берилади холос. Суғурта брокерлари суғурта бозорининг иқтисодий мустақил иштирокчилари бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг субъектларидир. Суғурта rischi жойлаштирилишида суғурта брокерининг иқтисодий манфаатдорлиги бўлмаслиги ва миждозни брокернинг ноинсоф ҳаракатларидан ҳимоя қилиш мақсадида чет элларда давлат суғурта назорати ва монополияга қарши кураш органлари суғурта брокерлари билан йирик суғурта компанияларининг келишувларини ва молиявий оқимларни назоратга олишлари мумкин.

Бундан ташқари, бир қатор мамлакатларда суғурта брокерлари суғурта компанияларининг таъсисчилари бўлишлари мумкин эмаслиги, жисмоний шахслар суғурта ва брокерлик ташкилотларида бир вақтнинг ўзида фаолият кўрсатишлари (ишлашлари) мумкин эмасликлари ва бошқа шу каби чекловлар ўрнатилган. Барча давлатларда суғурта брокерлари давлат

рўйхатидан ўтишлари ва давлат реестрига киритилишлари талаби ўрнатилган. Кўп мамалакатларда брокерлар учун ягона талаб, давлат рўйхатидан ўтиш – юридик шахслар учун ёки хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш – жисмоний шахслар учун белгиланган.


Айрим мамалакатларда давлат рўйхатидан ўтиш талаби суғурта агентлари учун ҳам мажбурийдир. Мисол учун Италияда суғурта агентлари дастлаб хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиладилар, сўнг суғурта агентларининг ягона реестрига киритиладилар<sup>40</sup>. Кўп мамлакатларда (хусусан, Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида) қонун ҳужжатлари билан суғурта воситачиларига махсус тайёргарликдан ўтиш талаблари ўрнатилган. Лекин бу талабларнинг мазмуни ҳар хил; мисол учун, айрим давлатларда суғурта воситачиларининг касбий тайёргарликдан ўтиш муддатлари икки ҳафтадан бир неча ойгача белгиланган.

Суғурта назорати органлари (суғурта ташкилотлари уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда) зиммасига суғурта воситачиларининг касбий тайёргарликлари ва малака оширишлари устидан назорат қилиш вазифалари юклатилган. Улар ўқув курслари дастурларини, малака талабларини, имтиҳонларни ўтказиш тартибини ва бошқа шу каби стандартларни ишлаб чиқиб тасдиқлайдилар.

Суғурта агентларига нисбатан суғурта брокерларининг касбий тайёргарлик даражаси қаттиқроқ назорат қилинади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда махсус тайёргарликдан ўтишдан суғурта воситачилиги фаолиятида узок муддатли стажга эга бўлган шахслар озод этилишлари мумкин. Умуман олганда суғурта брокерларининг фаолияти барча малакатларда давлат томонидан суғурта агентлари фаолиятига нисбатан қаттиқроқ тартибга солинади.

---

<sup>40</sup>[www.insuranceconsulting.ru](http://www.insuranceconsulting.ru)



**16-расм. Германияда суғурта хизматларининг ўсиш суръатлари<sup>41</sup>**

Германия ва Францияда суғурта брокерларининг воситачилиги ёрдамида барча суғурта шартномаларининг 18-20%, Буюк Британияда 70%, АҚШ да 80% дан кам бўлмаган миқдори тузилади. АҚШ да энг катта бўлган 100 та суғурталовчи фақат суғурта брокерлари воситачилигида суғурта шартномаларини тузадилар.

Инглиз-америка ҳуқуқ тизимида суғурта муносабатларини тартибга солишга катта эътибор берилган. Лекин унинг ҳамма тегишли қарорлари давлат миқёсида қабул қилинмаган. Тартибга солувчи қарорларнинг аксарият қисми ўзини-ўзи бошқарувчи ёки жамоат органлар мақомига эга бўлган суғурта воситачилари уюшмаларига ёки жамиятларига берилган.

Россия Федерациясининг суғурта бозори инфратузилмасини ўрганадиган бўлсак, унинг субъектларига ҳам алоҳида талаблар қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисидаги (“Об организации страхового дела в РФ”) қонунга кўражисмоний шахс бўлган суғурта агентларива суғурта

<sup>41</sup>institute.swissre.com - Swiss Re Institute, Sigma No 3/2017

**2016-йил натижаларига кўра Европанинг айрим мамлакатларида  
суғурта хизматларини сотишда суғурта бозори инфратузилмаси  
иштирокчиларининг улуши (%да).<sup>42</sup>**

Мамлакат	Компания ходимлари	Агентлар	Брокерлар	Бошқа ҳамкорлар (банк, почта ва хоказолар)	Бошқалар
Австрия	28,7	5,8	22,9	38,2	4,5
Бельгия	10	4,4	39,2	33	22,4
Швейцария	84	0	16	0	0
Испания	0	29,5	18,3	33,4	18,8
Франция	21	16	13	46	4
Италия	10,3	42	3,1	44,6	0
Голландия	29	56	0	15	0
Польша	30,6	56,1	10	0	3,3
Португалия	7,2	31,3	7,5	54	0
Словения	14,7	67,4	9	2,3	6,6
Словакия	11,6	30,9	57,5	0	0

брокерлари Россия Федерацияси худудида доимий яшайдиган фуқаролар бўлиши лозим. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги талабдан фарқли равишда суғурта брокерлари жисмоний шахс ҳам бўлишлари мумкин. Лекин улар хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари талаб этилган.

Суғурта агентлари фақат фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида фаолият кўрсатишлари белгилаб қўйилган.<sup>43</sup> Россия Федерациясида 2006 йил 1 июлдан актуарийларга малака аттестатига эга бўлишлари талаби жорий этилган бўлиб, улар меҳнат шартномаси ҳамда фуқаролик ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича ҳам хизмат кўрсатишлари мумкин.

<sup>42</sup> [www.insuranceeurope.eu](http://www.insuranceeurope.eu)

<sup>43</sup> Смирнова М.Б. Страхование право. Учебное пособие. Юстицинформ – 2007.

Россия Федерациясида бугунги кунда сюрвейерлик ташкилотлари асосан портларда фаолият юритадилар. Улар портларга келаётган ёки портдан чиқиб кетаётган товарларга сифат сертификатини бериш билан шуғулланадилар. Улар келган ёки кетаётган товарларни сифатини ва миқдорини аниқлаб берадилар. Суғурта ходисаларини кўриб чиқилишида иштирок этадиган сюрвейерлар ҳам мавжуд, улар юқори малакали мутахассислардир. Бу каби барча сюрвейерларнинг фаолияти Россия Федерациясининг Транспорт вазирлиги томонидан лицензиялаштирилади<sup>44</sup>.


Қозоғистонда суғурта назорати бевосита Қозоғистон Республикаси Миллий банкининг банк ва суғурта назорати Департаменти томонидан амалга оширилади. Қозоғистон суғурта бозорида бугунги кунда 14 та суғурта брокери фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда улар Ғарб тажрибасидан фарқли равишда суғурта шартномасининг суммасига қараб комисион ҳақни суғурта компанияларидан олишмоқда. Миқдор жиҳатидан суғурта брокери суғурта компаниясига 10-15 % миқдорни олиб келсада, ҳажм жиҳатидан эса бу кўрсаткич суғурта портфелининг 40-50% ни ташкил этади. Улар асосан брокерлар орқали суғурта шартномаларини тузадиган йирик халқаро компаниялар ва нефт билан ишлайдиган ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайдилар.

Буюк Британияда суғурта назорати органига мурожаат қилувчи ҳар бир суғурталовчи жалб этилиши мумкин бўлган суғурта воситачиларини аниқловчи ҳужжатларни ва улар билан тузиладиган шартномаларни лойиҳаларини тақдим этади. Суғурта компанияларининг суғурта воситачилари билан бўлган кейинги муносабатлари унинг молиявий ҳисоботларида акс эттирилади. Буюк Британияда суғурта брокерлари фаолиятини назорат қилишни мураккаб тизими амал қилади, чунки бу давлатда улар суғурта бозорининг асосий субъекти ҳисобланади. Тарихдан

---

<sup>44</sup> Смирнова М.Б. Страхование право. Учебное пособие. Юстицинформ – 2007.

суғурта брокерлиги институти денгиз суғуртасидан бошқа тармоқларга ўтиб келган, бугунги кунда аксарият суғурта турлари бўйича юридик шахс мақомига эга бўлган брокерлар орқали суғурта хизматларининг кўп қисми сотилиши кузатилмоқда. Хусусан, Ллойд корпорацияси фақат суғурта брокерлари орқали ишлайди. Буюк Британияда суғурта брокерлари бошқа мамлакатлардан анча фарқли равишда ҳаётни суғурта қилиш бозорида кенг номоён бўлган.




**17-расм. Буюк Британияда суғурта хизматларининг ўсиш суръатлари<sup>45</sup>**

АҚШ да суғурта полисларини сотувчи йирик суғурта агентликлари анча мустақилликка эга бўлиб, суғурта бозорида маълум кучга эга. Суғурта фаолиятини, хусусан, суғурта воситачилигини тартибга солиш штатлар миқёсида амалга оширилади. АҚШ да суғурта агентлари фақат битта суғурта компаниясида ҳамда бирданга бир нечта суғурта компаниялари хизматларини сотиш билан шуғулланишлари мумкин. Суғурта агенти бўлиб ишлаш, талабгордан нафақат суғурта соҳасида билимга эга бўлиши, балки

<sup>45</sup>institute.swissre.com - Swiss Re Institute sigma No 3/2017.



инсон психологиясидан ҳам хабардор бўлиши талаб этилади. Суғурта агентларини ўқитилиши 1-6 ой давомида бизнес мактабларида сиртқи ва кундузги шаклларда олиб борилади. АҚШ да суғурта агенти касбига ўқитиш билан суғурта компаниялари томонидан ташкил этилган ва молиялаштирилладиган бир қатор колледжлар томонидан амалга оширилади.



**18-расм. АҚШда суғурта хизматларининг ўсиш суръатлари<sup>46</sup>**

1819 йилда Буюк Британияда актуарийлар фаолиятини тартибга солувчи илк қонун ҳужжати қабул қилинган. Биринчи профессионал актуарийлар уюшмаси, яъни актуарийлар институти Лондон шаҳрида 1848 йили ташкил этилган. 1856 йили эса Шотландиянинг университетиде актуарийлар факультети ташкил топган. 1895 йилда Брюсселда актуарийларнинг биринчи халқаро конгресси бўлиб ўтган ва бу конгрессда Халқаро актуарийлар уюшмаси ташкил этилган. Бугунги кунда бу уюшма 40 та уюшмани бирлаштиради<sup>47</sup>. Европа малакатларида актуарий статусини олиш учун 18 та фан бўйичаёзма равишда имтиҳон топшириш керак. Актуарлик тажрибасига ҳам эга бўлиш лозимдир. АҚШ нинг актуарлар жамияти (SoA) да эса 12 та имтиҳон топширилиши талаб этилади.

<sup>46</sup>institute.swissre.com - Swiss Re Institute, Sigma No 3/2017.

<sup>47</sup> www.actuaries.org.

**2016-йил натижаларига кўра суғурта фаолияти ва суғурта бозори инфратузилмаси яхши ривожланган мамлакатларда келиб тушган суғурта мукофотлари (млрд.долларда).<sup>48</sup>**

№	Мамлакат	Ҳаёт суғуртаси	Ҳаёт бўлмаган	Жами
1	АҚШ	558,8	793,5	1352,4
2	Япония	354,1	117,2	471,3
3	Хитой	262,6	203,5	466,1
4	Буюк Британия	199,4	104,8	304,2
5	Франция	152,8	84,8	237,6
6	Германия	94,7	120,4	215,0
7	Жанубий Корея	104,2	66,7	170,9
8	Италия	122,4	39,9	162,4
9	Канада	50,0	64,5	114,5
10	Тайван	84,5	17,0	101,4

Юқорида келтирилган жадвалга кўра 2016 йил натижалари бўйича АҚШда жами суғурта мукофотлари тушуми 1352,4 млрд.долларни ташкил этди, бундан ҳаёт бўлмаган суғурта соҳасининг улуши 58,7% ни, ҳаёт суғуртаси эса 41,3 % ташкил этди. Японияда эса ҳаёт суғуртаси соҳасининг улуши бир мунча юқоридир. Жами келиб тушган суғурта мукофотлари 471,3 млрд.доллар, шундан 43,7 % ҳаёт бўлмаган суғурта соҳаси бўйича, 56,3 % ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари келиб тушган. Бундан ташқари аксарият ривожланган суғурта бозорларида ҳаёт суғуртасининг улуши ҳаёт бўлмаган суғуртадан бир мунча юқоридир.

Келиб тушган суғурта мукофотларининг жаҳон суғурта бозори бўйича келиб тушган суғурта мукофотларидаги улуши бўйича АҚШ 22,58% билан энг юқори кўрсаткичга эга бўлмоқда. Энг юқори ялпи ички маҳсулотига эга мамлакатлар бу кўрсаткич бўйича ҳам юқори поғоналарга эга.

<sup>48</sup>institute.swissre.com - Swiss Re Institute, Sigma No 3/2017.

**2016-йил натижаларига кўра суғурта фаолияти ва суғурта бозори инфратузилмаси яхши ривожланган мамлакатларда келиб тушган суғурта мукофотларининг жахон бозоридаги улуши.<sup>49</sup>**

№	Мамлакат	Жахон умумий суғурта мукофотларидаги улуши (%да)
1	АҚШ	22,58
2	Япония	9,96
3	Хитой	9,85
4	Буюк Британия	6,43
5	Франция	5,02
6	Германия	4,54
7	Жанубий Корея	3,61
8	Италия	3,43
9	Канада	2,42
10	Тайван	2,14

Юқорида таъкидлаб ўтилган ривожланган давлатларнинг суғурта бозорлари тузилишини чуқур ўрганиб, уларнинг тажрибасида кузатилган салбий ва ижобий иқтисодий ходисаларни таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон ўзининг суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиши лозимдир.

### **3.2. Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари**

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегиясига мувофиқ аҳолини турмуш даражасини кўтариш, қулай шароитларни яратиш мақсадида мамлакат миллий иқтисодиётида кенг ислохотлар ўтказилмоқда.

Суғурта бозори молия бозорининг ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида, ҳамкорлик муносабатларини

---

institute.swissre.com - Swiss Re Institute, Sigma No 3/2017.

яратишда, аҳолининг ватадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли ҳамкор сифатида суғурта бозори профессионал иштирокчиларига ишончини қозонишда кўмакдош бўлиши лозимдир.

Ўзбекистон суғурта бозори таҳлили натижаларига кўра, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг кўлами ва ўсиш суръатларига мутаносиб равишда суғурта бозорини ривожлантириш учун суғурта бозорининг ҳақиқий потенциалидан фойдаланилмаган. Мамлакат ЯИМида суғурта мукофотларининг улуши Осиёда ўртача – 6,16%, Ғарбий Европада – 8,44%, Россияда – 1,3%, Қозоғистонда – 0,85%, Арманистонда – 0,62%, Озарбайжонда – 0,5% ташкил қилади. Ўзбекистондабу кўрсаткич ўртача 0,32%ни ташкил этганлиги суғурта бозорининг ҳали ишга солинмаган имкониятлари юқорилигидан далолат беради.

Суғурта бозори сифати, манфаатлилиги, аҳолининг ва тадбиркорларнинг бозорга бўлган ишончи паст бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги даврнинг бозор иқтисодиёти шароитида, албатта суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг сони ва сифати жиҳатидан ортиши, ривожланиши учун уларга иқтисодий асос керак. Иқтисодий асос бўлмаса, уларнинг хизматларига талаб бўлмаса, давлат ҳар қанча инвестиция киритса ҳам, меъёрий-ҳужжатларни ишлаб чиқса ҳам қутилган натижага эришиб бўлмайди. Чунки суғурта бозори инфратузилмасининг ҳар бир субъекти тижорат фаолиятига асосланган.

Суғурта бозори инфратузилмасида мавжуд муаммоларни келиб чиқишига кўра икки тоифага:

- соҳадан ташқари бўлган муаммоларга;
- суғурта соҳасининг ичидаги муаммоларга ажратиш мумкин.

Суғурта соҳасидан ташқари бўлган муаммолар, давлатнинг макродаражадаги фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўз ичига олади.

Суғурта соҳасининг ичидаги муаммолар эса бевосита суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлган, суғурта бозори профессионал иштирокчилари, махсус ваколатли давлат органи ҳал қила оладиган, ёки суғуртага оид норматив ҳужжатлар қабул қилиниши орқали ҳал бўладиган муаммоларни ўз ичига олади.

Соҳадан ташқари бўлган муаммоларга қуйидагилар киради:

- бозор иқтисодиёти ва бозор механизмлари етарли даражада ривожланмаган;

- мамлакат географик жиҳатдан ноқулай жойлашган;

- аҳоли даромадлари нисбатан паст;

- инвестиция муҳити ноқулай ва яхши ривожланмаган.

Суғурта соҳасининг ичидаги муаммоларга эса қуйидагилар киради:

- Суғурта фаолияти қонунчилигининг айрим қисми ислоҳотга мухтож.

Суғурта бозорининг айрим профессионал иштирокчилари фаолиятининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари суғурта бозорининг ҳозирги шароитларига тўғри келмаслиги суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Суғурта агентларнинг бир нечта суғурта компания билан агентлик битимини тузиш амалиёти ушбу муаммога мисол бўла олади. Бу суғурта брокери институтини ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг асосий омиллардан биридир;

- Суғурта компанияларнинг аксарият қисмида менежмент тизими самарадорлиги, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш даражасипаст. Суғурта воқеаси рўй бергандан суғурта ходисаси тан олинисига қадар бўладиган жараёнлар учун кўп вақт сарфланиши, мижозларнинг суғурта компанияларга ва уларнинг ҳизматларига бўлган ишончни пасайишига олиб келмоқда. Ўзбекистон суғурта бозорида ҳали ҳам самарали, ўзининг вазифасини тўлиқ бажара олган электрон сотув тизими йўлга қўйилмаган;

- Суғурта компанияларга ишончнинг пастлиги, келиб тушадиган суғурта мукофотлари хажми ўсиш суръатларининг суғурта бозори жадал ривожланиши учун етарли даражада эмаслигида намоён бўлмоқда;

- Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг, айниқса сервис хизматларни кўрсатадиган ассистанс, суғурта сюрвейери ва аджастерларнинг сони ва сифати ортининг иқтисодий асоси етарли эмас. Уларга нисбатан профессионал билим ва малака талаблари ўрнатилмаган ва аджастер, актуарий, сюрвейер ва ассистанс хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Республикада суғурта сюрвейери ва аджастер фаолиятини олиб боришга қодирлиги нуқтаи назаридан уларни сертификатлаш ва имтиҳондан ўтказиш тартиби ҳам мавжуд эмас;

- Давлат томонидан суғурта иши мутахассислигини ўқитиш бўйича олий таълим муассасаларида бакалавр, магистратура таълим йўналишларига бериладиган қабул квотасининг етарли даражада эмаслиги оқибатида, суғурта бозорида суғурта ишини назарий-илмий чуқур ўрганган, малакали кадрлар етишмаслиги кузатилмоқда. Бу омил бевосита ривожланган суғурта бозори инфратузилмаси шаклланишига тўсқинлик қилмоқда;

- Суғурта маркетинги фаолияти етарли даражада ташкил қилинмаган ва самарали маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун эълон қилинадиган давлатнинг статистика маълумотлари кам ва оператив эмас. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг хизмат кўрсатиш сифати рейтинги ташкил қилинмаган;

- Суғурта фаолиятини тарғибот-ташвиқот ишлари савияси етарли даражада эмас ва бунинг натижасида, шаҳарлар ташқарисидаги аҳолининг суғурта тўғрисидаги, мулкый манфаатларни суғурта механизми орқали химоя қилиш мумкинлиги тўғрисидаги тушунчаси нотўғри ёки умуман тушунчаси мавжуд эмас;

- Ўзбекистонда, суғурта бозори ривожланишига катта импульс берадиган суғуртанинг икки йирик соҳаси яхши ривожланмаган ёки мавжуд эмас. Улар ҳаёт суғуртаси ва денгиз суғуртаси. Денгиз суғуртасининг мавжуд эмаслиги бу албатта географик омилдир. Ҳаёт суғуртаси тармоғининг яхши ривожланмаганлиги эса, асосан макроиқтисодий омилларга, инфляция ва инвестиция муҳитига бориб тақалади;

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш учун давлат, суғурта бозорини ислоҳ қилишда энг муҳим, биринчи ўриндаги ривожланиши йўналишлари ва йўллари аниқлаб олиш керак.

Ушбу суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) Бир қатор қонунларга ўзгартириш киритиш ва суғурта қонунчилигининг иерархияси бўйича барча даражасини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш киритиш ва янги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Хусусан “Банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг суғурта фаолияти билан боғлиқ қисмига, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга, мажбурий суғурта билан боғлиқ барча Қонунларга ўзгартириш киритиш таклиф этилади. “Суғурта воситачилари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш ҳамда шу қонун билан суғурта воситачиларининг ваколат чегараларини аниқ белгилаш орқали суғурта агентларининг бир нечта суғурталовчилар билан агентлик битимини тузишларига барҳам бериш мақсадга мувофиқдир;

2) “Суғурта воситачилари тўғрисида”ги Қонун орқали суғурта брокери институтларини ривожлантириш, ҳамда ҳудудий суғурта хизматларини ривожлантириш учун суғурта агентлардан эмас, балки суғурта брокерларидан фойдаланишни амалиётга татбиқ қилиш таклиф этилади. Чунки суғурта агентлари бир суғурталовчининг номидан ва унинг топшириғига кўра фаолиятини юритса, суғурта брокери эса суғурта қилдирувчиларнинг номидан фаолият юритади. Республикамизнинг чекка

худудларида суғурта хизматларига эҳтиёж бирмунча пастлиги туфайли чекка худудларда бир нечта суғурта агенти эмас, балки 1 та суғурта брокери фаолияти иқтисодий томондан самаралироқ бўлар эди. У брокер маҳаллий аҳолининг ва тадбиркорларнинг талабларидан келиб чиқиб бир нечта суғурталовчиларнинг хизматларини таклиф қилади;

3) Аджастерларнинг фаолиятини такомиллаштириш, суғурта ходисаларни тан олишда, даъво ишлари бўйича тергов масалаларида уларнинг ваколатларини кенгайтириш лозим;

4) Автотранспорт воситалари билан содир бўладиган айрим йўл-транспорт ходисаларини расмийлаштиришда “Европротокол” шаклидан фойдаланишни жорий қилиш таклиф этилади;

5) Австралия, Австрия, Бельгия, Венгрия, Германия, Дания, Исландия, Латвия, Мальта, Голландия, Норвегия, БАА, Тайвань, Швейцария, Швеция, Жанубий Корея ва Япония давлатлари сингари, Ўзбекистонда ҳам назорат қилувчи ягона орган мақомида ягона молиявий мегарегулятор моделини (молиявий сектор назоратининг интеграциялашган модели, инглиз тилида - integrated model of financial sector supervision) қўллаш таклиф этилади. Бу билан суғурта, банк, қимматли қоғозлар бозорлари, лизинг, инвестиция фондлари ва бошқа молия секторига мансуб субъектлар фаолияти ягона давлат органи орқали назорат қилинади ва бир тизимга бирлаштирилади. Шу орқали суғурталовчиларнинг кредит ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан яқин ҳамкорликка эришиши, суғурта хизматларининг банк ва бошқа молиявий хизматларига интеграция қилган ҳолда оммавий равишда, кросс сотувларни амалга ошириш ва бошқа қатор қулайликларга эга бўлиш мумкин. Бу ўз ўрнида, суғурта бозорининг янги истемолчилар сегментларини эгаллаш орқали суғурта бозори кўламини кенгайтириш имкониятини беради, ҳамда суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланишига туртки бўлади.



б) Олий таълим муассасаларида “Суғурта иши” йўналиши бўйича қабул квоталарини 2 баробар кўпайтириш ва шу ихтисослик бўйича дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг камида 50%ини суғурта компанияларнинг бошқарув ходимлари бўлишини таъминлаш;

### **3-боб бўйича хулосалар**

Чет эл мамалакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат суғурта назорати суғурта бозори инфратузилмаси фаолиятини назорат қилишни талаб этади ва бу ҳолат суғурта бозори ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг суғурта бозорлари тузилишини чуқур ўрганиб, уларнинг тажрибасида кузатилган салбий ва ижобий иқтисодий ходисаларни таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон ўзининг суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиши лозимдир.

Ўзбекистон суғурта бозори таҳлили натижаларига кўра, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг кўлами ва ўсиш суръатларига мутаносиб равишда суғурта бозорини ривожлантириш учун суғурта бозорининг ҳақиқий потенциалидан фойдаланилмаган.

Ҳозирги даврнинг бозор иқтисодиёти шароитида, албатта суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг сони ва сифати жиҳатидан ортиши, ривожланиши учун уларга иқтисодий асос керак. Иқтисодий асос бўлмаса, уларнинг хизматларига талаб бўлмаса, давлат ҳар қанча инвестиция киритса ҳам, меъёрий-ҳужжатларни ишлаб чиқса ҳам кутилган натижага эришиб бўлмайди. Чунки суғурта бозори инфратузилмасининг ҳар бир субъекти тижорат фаолиятига асосланган.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ушбу битирув малакавий ишида Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари ва муаммоларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш натижасида куйидаги хулосаларни келтириш лозим:

1. Суғурта бозори инфратузилмаси бу – фаолияти суғурта соҳаси ва суғурта хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган барча субъектларнинг ўзаро муносабатлари мажмуи тушунилади. Суғурта бозори инфратузилмаси - ривожланган суғурта бозорини шакллантиришда энг асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

2. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун суғурта бозори инфратузилмасининг энг юқори поғонада турувчи муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб, у инфратузилманинг жаҳон стандартлари талабларига мос равишда шаклланишини, профессионал иштирокчиларнинг ваколатлари чегарасини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди.

3. Суғурта бозорининг айрим профессионал иштирокчилари, хусусан суғурта воситачилари ва аджастерлар фаолияти, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари суғурта бозорининг ҳозирги шароитларига тўғри келмаслиги суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

4. Суғурта мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш тизими суғурта компанияларининг малакали кадрларга бўлган талабини қондира олмаяпти. Бу омил бевосита ривожланган суғурта бозори инфратузилмаси шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

5. Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмасини, асосан, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳамда суғурта соҳасига боғлиқ бўлган, суғуртанинг самарали фаолияти учун ёрдам берадиган ёки суғурта фаолияти борасида ҳамкорлик қиладиган бошқа субъектлар ташкил қилади.

6. Суғурта бозори инфратузилмасини асосий иштирокчиларидан ташқари, суғурта бозори инфратузилмаси таркибига суғуртага ихтисослашган аудиторлар, ихтисослашган ва кўп тармоқли маслаҳатчилар, баҳолаш хизматлари, юридик хизматлар ва бошқа шу каби профессионал билим ва малакага эга бўлган юридик ёки жисмоний шахсларни ҳам киритиш мумкин.

7. Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорининг фойдаланувчилари ўзларининг талабларини қондира олмаяпти. Бу ҳолатни ушбу фаолият билан шуғулланувчи мутахассисларни билим ва тажрибалари етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Суғурта бозори инфратузилмасининг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрельдаги 618-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ассоциацияси ташкил этилган.

8. Шунга қарамасдан, охириги йилларда аҳолининг суғуртага бўлган муносабатлари тобора яхшиланиб, фуқароларнинг суғурталовчиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндашилмоқда. Республикадаги суғурта компаниялари ходимларининг касбий маҳорати ҳам профессионалликлари ҳам сезиларли даражада ошди. Мамлакатимиз миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари суғурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вақтнинг ўзида универсал фаолиятни ҳам олиб бормоқдалар. Йилдан йилга суғурта ташкилотларининг устав капиталларига бўлган талабоширилиб борилмоқда. Бундай ўзгаришлар қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантирилишини жаддалаштиради.

9. Аммо, Ўзбекистон суғурта бозори таҳлили натижаларига кўра, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг кўлами ва ўсиш суръатларига мутаносиб равишда суғурта бозорини ривожлантириш учун суғурта бозорининг ҳақиқий потенциалидан фойдаланилмаган.

10. Чет эл мамалакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат суғурта назорати суғурта бозори инфратузилмаси фаолиятини назорат қилишни талаб этади ва бу ҳолат суғурта бозори ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу орқали суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳимоясини таъминлаш мумкин. Ривожланган мамлакатларда суғурта воситачилиги институти меҳнат бозорига ижобий таъсир кўрсатади. Янги иш ўринлари (штат ва штатдан ташқари) очилишини, аҳолининг бандлигини таъминлайди.

11. Ҳозирги даврнинг бозор иқтисодиёти шароитида, албатта суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг сони ва сифати жиҳатидан ортиши, ривожланиши учун уларга иқтисодий асос керак. Иқтисодий асос бўлмаса, уларнинг хизматларига талаб бўлмаса, давлат ҳар қанча инвестиция киритса ҳам, меъёрий-ҳужжатларни ишлаб чиқса ҳам кутилган натижага эришиб бўлмайди. Чунки суғурта бозори инфратузилмасининг ҳар бир субъекти тижорат фаолиятига асосланган.

12. Бозор иқтисодиёти ва бозор механизмлари етарли даражада ривожланмаганлиги, мамлакатнинг географик жиҳатдан ноқулай жойлашганлиги, аҳоли даромадлари нисбатан пастлиги, инвестиция муҳити ноқулай ва яхши ривожланмаганлиги каби макроиқтисодий омиллар ҳам Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Юқорида битирув малакавий иши мавзуси доирасида ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича келтириб ўтилган хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Бир қатор қонунларга ўзгартириш киритиш ва суғурта қонунчилигининг иерархияси бўйича барча даражасини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш киритиш ва янги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Хусусан, “Банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг суғурта фаолияти билан боғлиқ қисмига, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга,

мажбурий суғурта билан боғлиқ барча Қонунларга ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

2. “Суғурта воситачилари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш ҳамда шу қонун билан суғурта воситачиларининг ваколат чегараларини аниқ белгилаш орқали суғурта агентларининг бир нечта суғурталовчилар билан агентлик битимини тузишларига барҳам бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. “Суғурта воситачилари тўғрисида”ги Қонун орқали суғурта брокери институтларини ривожлантириш, ҳамда ҳудудий суғурта хизматларини ривожлантириш учун суғурта агентлардан эмас балки суғурта брокерларидан фойдаланишни амалиётга татбиқ қилиш таклиф этилади.

4. Аджастерлар, суғурта сюрвейерлари ва ассистансларнинг фаолиятини аниқ белгиловчи қонуности хужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Суғурта ходисаларини тан олишда, даъво ишлари бўйича тергов масалаларида уларнинг ваколатларини кенгайтиришни таклиф этамиз.

5. Автотранспорт воситалари билан содир бўладиган айрим йўл-транспорт ходисаларини расмийлаштиришда “Европротокол” шаклидан фойдаланишни жорий қилиш орқали суғурта тўловларини тўлаш жараёнига кетадиган вақтни сезиларли даражада қисқартириш ва шу тўғрисида суғурта килдирувчиларнинг суғуртага бўлган ишончини ошириш мақсадга мувофиқдир.

6. Суғурта бозори инфратузилмаси ривожланган мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам назорат қилувчи ягона орган мақомида ягона молиявий мегарегулятор моделини қўллаш таклиф этилади. Бу билан суғурта, банк, қимматли қоғозлар бозорлари, лизинг, инвестиция фондлари ва бошқа молия секторига мансуб субъектлар фаолияти ягона давлат органи орқали назорат қилинади ва бир тизимга бирлаштирилади.

7. Олий таълим муассасаларида “Суғурта иши” йўналиши бўйича қабул квоталарини 2 баробар кўпайтириш ва шу ихтисослик бўйича дарс

берадиган профессор-ўқитувчиларнинг камида 50%ини суғурта компанияларнинг бошқарув ходимлари бўлишини таъминлаш лозимдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **1. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 2014 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси - Т.: Ўзбекистон, 2008 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-618-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-872-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сон Қарори.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари**

7. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 104 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 56 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

### **3. Дарслик ва ўқув адабиётлари**

12. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.

13. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.

14. Рыбин В. Основы страхования. Учебное пособие.–М.:“КНОРУС” 2010 г.– 240 стр.

15. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.

16. Самарова Э. Страховая математика: практический курс. Учебное пособие. – М.: “ИНФРА–М ”, 2009 г.– 80 стр.

17. Страхование. Учебник / под ред. Т.А.Федоровой. – М.: “Магистр”, 2009 г. – 1006 стр.

18. Сербиновский Б. Страхование. Учебное пособие. – Ростов н/Д: “Феникс ”, 2010 г. – 476 стр.

19. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: “Экономика”, 2010 г. - 751 стр.

20. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес.-М.: АНКЛ, 2000 г. стр.77-78.

21. Сербиновский Б.Ю., В.Н.Гаркуша. Страхование. Учебное пособие. Ростов-на-Дону, “Феникс”, 2009 г. стр.70.

22. Шахов В. Страхование. Учебник.-М.: “ЮНИТИ”, 2000 г. стр. 223.

23. Хохлов Н.В. Управление риском.-М.: “ЮНИТИ”, 2001 г. стр. 14.

24. Нор-Аревян О. Социальное Страхование. Учебник для вузов- М.: Дашков и К., –2011г



25. Эрмасов С.В. Страхование. Учебник для вузов – М.:Юрайт., –2011г
26. Страхование под редакцией Л.А.Орланюк-Малицкой -М.:Юрайт, 2011г.
27. Страхованиедело: Учебник в 2-х т. (пер.с нем. О.И.Крюгера и Т.А. Федоровой). – Т.1: Основы страхования/под ред. О.И.Крюгера. – М.: Экономист, –2004 г.
28. Ивасенко А.Г., Никонова Я.И. Страхование. Учебное пособие -М: Кнорус,2009г.
29. Сербиновский Б.Ю., Гаркуша В.Н. Страхованиедело. Учебное пособие – Феникс, –2008г.
30. Шахова В.В. Ахвледиани. Ю.Т. Страхование. Учебник – М.: Юнити, – 2010г.
31. Х.И.,Боева Ж.Б. Мулкий ва шахсий суғурта. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ нашриёти. –2003 –30б.
32. Қўлдошев.Қ.М. Суғурта бозори. Ўқув қўлланма.-Т,; “Тошкент-иктисодиёт”-2011й.-124 бет.

#### **4. Даврий нашрлар (газета ва журналлар)**

33. Большинство страховых претензий удовлетворяется. – Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.
34. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. С.1-2.
35. Икромов О.Г., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари.// “Молия” журнали, 2011 йил 1-сон.
36. Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Развитие страхового законодательства республики // Бозор, пул ва кредит 2002. - №11-12. ст. 47.
37. Шеннаев Х.. Страховая система Узбекистана: Этапы становления. // Рынок, Денги и кредит. 2004. - №6.

38. Influence Factors on European Life Insurance Market during Crises - 21<sup>st</sup> International Economic Conference 2014, IECS 2014, 16-17 May 2014, Sibiru, Romania.

39. Insurance market penetration and economic growth in Eurozone countries: Time series evidence on causality – Future Business Journal 4 (2018) 50-67.

40. Role of insurance in post disaster recovery planning in business community – 4<sup>th</sup> International Conference on Building Resilience 2014, 8-10 September 2014, Salford Quays, United Kingdom.

41. Газета “Народное слово”, 2005 – 2016.

42. Газета “Бизнес-вестник Востока”, 2005 – 2016.

## **5. Интернет сайтлари**

43. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги расмий веб-сайти.

44. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги расмий веб-сайти.

45. [www.uzreport.news/insurance-SAIPRO](http://www.uzreport.news/insurance-SAIPRO) миллий ахборот-рейтинг агентлиги.

46. [www.uz-insur.uz](http://www.uz-insur.uz) - Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ассоциацияси расмий веб-сайти.

47. [www.allinsurance.ru](http://www.allinsurance.ru)- Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти.

48. [www.institute.swissre.com](http://www.institute.swissre.com)–«SwissRE» суғурта компанияси илмий тадқиқотлар институтининг расмий веб-сайти.

49. [www.insuranceeurope.eu](http://www.insuranceeurope.eu)–Европа суғурта ҳамжамияти расмий веб-сайти.